

УДК 658.5:677

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ

кат. ўқит. Т. Саидмуродова, асс. О. О. Отаниёзов
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ушбу мақолада “Ўзбекенгилсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар, уларнинг бозор иқтисодиёти шaroitида ривожланиши, ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили ва экспорт фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган.

В статье рассматриваются предприятия входящие в состав ассоциации “Ўзбекенгилсаноат”, их развитие в условиях рыночной экономики и проведён анализ производственной и экспортной деятельности предприятий.

In article the enterprises a part associations “Uzbekengilsanoat” are considered, their development in the conditions of market economy and the analysis of industrial and export activity of the enterprises is carried out.

Ўзбекистон халқ хўжалигида енгил саноат корхоналари етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу тармоққа инвестиция ажратаётган инвесторлар ўз маблағларини тезда қайтишидан ташқари бошқа манфаатларга ҳам эга бўладилар. Енгил саноат тармоғи тез суръатлар билан ривожланмоқда, чунки мамлакатимизда хомашё манбан, малакали ишчи кучи, ривожланган инфраструктура мавжуд.

Ўзбекистон шaroitида кулай муҳит яратиш бўйича чоралар ва нисбий афзалликларга эга бўлган тармоқлар, яъни кўп меҳнат талаб қилувчи ва маҳаллий табиий ресурслардан, шунингдек, ахборот технологияларидан фойдаланувчи тармоқлар ривожланиши устувор йўналиш этиб танланган. Енгил саноат тармоғини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари - пахта толасини чуқур қайта ишлаш қувватин ташкил этиш, яъни, пахта толасини қайта ишлаш, бўяш-пардозлаш қувватлари, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш - маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, яъни, хорижий дизайнерлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, таннархни оптималлаштириш, энергетик ресурсларни самарадорлигини ошириш, ташқи бозорларга кириш жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир.

Республика енгил саноати корхоналарининг асосий қисми «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибига киради. Бугунги кунда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибида 412 та корхона фаолият юритиб, шулардан Тошкент шаҳрида 110 та корхона, Тошкент вилоятида 56 та, Андижонда 65 та, Фарғонада 43 та, Наманган вилоятида 40 та, Бухоро вилоятида 32 та, Хоразм вилоятида 17 та, Самарқанд вилоятида 14 та, Қашқдарё 9та, Жиззах вилоятида 9 та, Сурхондарё вилоятида 6 та ва Қорақалпоғистон Республикасида 7 та корхона жойлашган [1].

Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёев фармонида асосан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегиясида таркибий ўзгартришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини

олиб бориш, ҳамда юкори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юкори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш устувор вазифа қилиб қўйилган [2].

Бугунги кунда энгил саноат корхоналари жадал ривожланиб бормоқда. Тикувчилик ва тикув-трикотаж корхоналарида буюмларни ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, бичиш ва тикиш учун замонавий ускуналар мавжуд. Ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, менежмент ва маркетинг масалаларини ҳал этишда халқаро экспортлар тажрибасидан фойдаланиш тикувчилик тармоғини кенгайтиришга хизмат қилади.

Бир қатор тикувчилик корхоналари ҳозирнинг ўзидаёқ трикотаж матодан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиб келмоқда ва бу билан жаҳон бозорида ўз рақобатбардошлигини исботламоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналарининг йиллик умумий ишлаб чиқариш қувватларини қуйидаги жадвалда келтирамиз [1].

Жадвал

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналарининг йиллик умумий ишлаб чиқариш қувватларини таҳлили

№	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	%
1	Калава ип	минг тонна	307,2	348,6	113,5
2	Газламалар	млн. квм	182,9	198,7	109
3	Трикотаж мато	минг тонна	53,4	62,8	117,6
4	Трикотаж маҳсулотлари	млн-дона	184,7	219,8	118,4
5	Тикув маҳсулотлари	млрд сўм	30,8	37,9	123,1
6	Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	38,9	46,1	118,4

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибидаги корхоналарда жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва бугунги кунда корхоналарнинг экспорт даражаси йилдан йилга ошиб бормоқда. 2016 йилда «Ўзбекенгилсаноат» АЖ таркибидаги корхоналар томонидан МДХ, Европа, Марказий Осиё, Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка давлатларига 52,2 млн. долларлик ип-газлама, 786,6 млн. долларлик ип калава, 20,3 млн. долларлик ипак маҳсулотлари ва 143,1 млн. долларлик тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинган.

Тикув маҳсулотлари бўйича экспорт ҳажми 123,1 фойизга ошишига қарамадан маҳаллий бозоримиз бу маҳсулотлар билан етарлича тўйинмаган. Тўқувчилик саноати арзон ва юкори сифатли мато ишлаб чиқариш орқали корхоналарни билвосита қўллаб-қувватлаш мумкин. Афсуски, кўпчилик тикувчилик корхоналари сифатли матодан сифати, баҳоси ва тури бўйича зарур кўрсаткичларга тўлиқ жавоб берадиган маҳсулот беролмайди.

Дастлаб тикувчилик буюмларининг маҳаллий бозорини эгаллаб олиш, сўнг экспортга йўналтириш муваффақият келтиради, қабулидаги стратегия ўта оптимистик бўлиб ҳисобланади. Ҳозиргача тикувчилик тармоғида импорт ўрнини босиши муваффақият билан яқунланмаган.

Экспорт қилинаётган пахтали газламаларнинг катта қисми паст қўшимча қийматга эга. Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар асосан пахтали дастлабки қайта ишлаш, яъни йигириш ва тўқиш соҳасидадир. Улар нисбатан паст миқдордаги қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотни экспорт қилмоқдалар.

Кучли маркетинг тизимининг йўқлиги, бозордаги рақобат, моданинг тез ўзгариши ҳамда мато ва кийим-кечакка жаҳон бозорларидаги протекционизм Ўзбекистонда чуқур

қайта ишланган товарларни жаҳон бозорида ҳаракатланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Кийим ишлаб чиқарувчи кўпчилик хорижий корхоналар ягона жаҳон технологик топшириқнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади: моданинг охириги талабини ҳисобга олган ҳолда товар бозори - мато, сунъий қисмларни ишлаб чиқариш- тикиш ва қадоклаш – яқуний истеъмолчиларга сотиш ўз-ўзидан ўзбек ишлаб чиқарувчиларга бундай бир маромда ишлайдиган машина билан рақобатлашиш анча мураккаб.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий корхоналарни жаҳон технологик занжирига кириб қўшилишини таъминлаш, бевосита хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш кийим-кечакнинг маҳаллий бозорини эгаллашнинг қулай стратегияси бўлиб ҳисобланади. Бу маҳаллий истеъмолчилар дидига мос кийим-кечак ишлаб чиқаришга хизмат қилади, бу билан импорт чиқаришга хизмат қилади ва импорт ўрнини босишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Ўзбекенгилсаноат» АЖ ҳисоботлари, 2015-2016 й.й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. 7 февраль, 2017 й